IX. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 37 078 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,7 фоизга ўсган.

2021 йилнинг январь-март ойларида 1542 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 фоизга кам демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода (38,5 фоиз), саноатда (26,7 фоиз), қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалигида (7,9 фоиз), қурилишда (7,6 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматларида (3,8 фоиз), ташиш ва сақлаш хизматларида (3,4 фоиз) ташкил этди.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(2021 йил январь-март ойларида, фоизда)



Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	(+;-)
Вилоят бўйича:	**1 829**	**1 542**	**-287**
шаҳарлар:			
Андижон ш.	485	449	-23
Хонобод ш.	44	30	58
туманлар:			
Олтинкўл	98	75	-45
Андижон	89	147	-2
Балиқчи	115	70	-32
Бўстон	60	58	-50
Булоқбоши	81	49	8
Жалақудук	114	64	5
Избоскан	75	83	-40
Улуғнор	24	29	-61
Қўрғонтепа	100	60	-31
Асака	201	140	-19
Марҳамат	74	43	18
Шаҳрихон	118	99	-23
Пахтаобод	68	86	-36
Хўжаобод	83	60	-14

2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича энг кўп Андижон шаҳри (449 та), Андижон (147 та), Асака (140 та), Шаҳрихон (99 та), Пахтаобод (86 та), Избоскан (83 та) ва Олтинкўл (75 та) туманларида кузатилди. Энг паст кўсаткичлар Улуғнор (29 та) туманида қайд этилди.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши,
(2021 йил январь-март ҳолатига, фоиз ҳисобида)



2021 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Андижон шаҳрида (29,1 фоиз), Андижон (9,5 фоиз), Асака (9,1 фоиз), Шаҳрихон (6,4 фоиз), Пахтаобод (5,6 фоиз), Избоскан (5,4 фоиз), Олтинкўл (4,9 фоиз) туманларида, энг паст кўрсаткич эса Улуғнор (1,9 фоиз) тумани ташкил этди.

Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) *январь-март ҳолатига*



Ҳудудлар бўйича 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик корхона ва микрофирмалар сони

(2021 йилнинг январь-март ойларида, бирликда)



2021 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шахри (25,5 бирлик), Улуғнор тумани (23,2 бирлик), Хўжаобод тумани (17,1 бирлик), Бўстон тумани (16,1 бирлик), Хонобод шахри (14,7 бирлик), Асака тумани (13,5 бирлик), Балиқчи тумани (12,9 бирлик) ва Марҳамат тумани (12,3 бирлик) га тўғри келади.

Ўртача кўрсаткич оралиғида (11,6-10,4 бирлик) Қўрғонтепа, Олтинкўл, Жалақудуқ, Андижон ва Пахтаобод туманларига тўғри келади.

Булоқбоши (9,6 бирликда), Шаҳрихон (9,1 бирликда) ва Избоскан (8,4 бирликда) туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2019 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 12,5 бирликда бўлиб, 2020 йилнинг шу даврида 11,8 бирликни ташкил этган. 2021 йилда бу кўрсаткич 13,7 бирликни ташкил этди. Бу эса, 2019 йил кўрсаткичидан 1,2 бирликга кўп демакдир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	(+;-)
Жами	**1 829**	**1 542**	**-287**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	73	122	-49
Саноат	457	412	-45
Қурилиш	129	117	-12
Савдо	791	593	-198
Ташиш ва сақлаш	65	53	-12
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	136	59	-77
Ахборот ва алоқа	35	46	11
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	35	35	0
Бошқа фаолият турлари	108	105	-3

Маълумот учун: *2021 йилнинг январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўп салмоғи, бирликда:*

Ҳудудларнинг жами маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши

(2021 йил январь-март ҳолатига, фоизда)

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Чакана савдо	Инвестиция
Вилоят бўйича:	**23,6**	**96,8**	**61,8**	**89,4**	**66,3**
шаҳарлар:					
Андижон ш.	24,2	96,2	69,0	75,1	60,1
Хонобод ш.	16,8	100,0	71,6	92,7	79,1
туманлар:					
Олтинкўл	71,7	100,0	61,5	94,0	42,8
Андижон	83,3	93,8	50,7	88,2	88,5
Балиқчи	32,3	100,0	50,1	96,4	78,2
Бўстон	56,4	98,9	75,8	91,6	95,3
Булоқбоши	100,0	100,0	51,0	96,7	98,0
Жалақудук	44,3	87,5	60,8	97,4	97,7
Избоскан	54,5	97,0	51,2	96,8	51,6
Улуғнор	41,9	78,9	64,7	98,2	94,3
Қўрғонтепа	21,9	99,6	48,9	97,7	90,8
Асака	4,0	98,8	42,2	96,0	10,7
Марҳамат	57,9	100,0	61,6	97,2	90,5
Шаҳрихон	71,3	100,0	47,3	98,7	95,9
Пахтаобод	52,8	100,0	60,3	95,9	73,6
Хўжаобод	63,2	100,0	60,1	98,0	81,5

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг юқори улуши саноат соҳасида Булоқбоши (100,0 %), Андижон (83,3 %), Олтинкўл (71,7 %) ва Шаҳрихон (71,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурилиш соҳасида Хонобод шаҳри, Олтинкўл, Балиқчи, Булоқбоши, Марҳамат, Шаҳрихон ва Пахтаобод туманлари (100,0 %) ҳиссасига тўғри келди.

Хизматлар соҳасида Бўстон (75,8 %), Хонобод шаҳри (71,6 %), Андижон шахар (69,0 %), Улуғнор (64,7 %), Марҳамат (61,6 %) ва Олтинкўл (84,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

2021 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1 553,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 23,6 фоизи) ташкил қилди;
- 1 205,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 66,3 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 113,5 фоизни ташкил қилди;
- 913,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,8 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 112,0 фоизга тенг бўлди;
- Чакана товар айланмаси ҳажми 3 144,1 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмаси ҳажмининг 89,4 фоизи) ёки 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 102,7 фоизни ташкил қилди;
- 57,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 29,7 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 64,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 13,6 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми

(2021 йилнинг январь-март ойларида)



Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Андижон шаҳар (283,2 млрд. сўм), Шаҳрихон (145,6 млрд. сўм), Хўжаобод (144,2 млрд. сўм), Жалақудуқ (137,3 млрд. сўм) ва Асака (123,3 млрд. сўм), туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Қўрғонтепа (39,8 млрд. сўм) ва Улуғнор (31,1 млрд. сўм) туманларида ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

Ҳудудлар бўйича саноат махсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши, *% да*
(2021 йилнинг январь-март ойларида)



Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг (бизнес) жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улушини Булоқбоши тумани (100,0 %), Андижон тумани (83,3 %), Олтинкўл тумани (71,7 %), Шаҳрихон тумани (71,3 %), Хўжаобод тумани (63,2 %), Марҳамат тумани (57,9 %) ва Бўстон (56,4 %) туманларида ташкил этди.

Асака туманида (4,0 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик(бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати, *% да*

(2021 йилнинг январь-март ойларида)



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Андижон шаҳар (851,3 млрд. сўм), Шаҳрихон (449,4 млрд. сўм), Асака (282,1 млрд. сўм), Қўрғонтепа (232,2 млрд. сўм) ва Хўжаобод (181,8 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати

(2021 йинингл январь-март ойларида)



Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Андижон шаҳрида 319,0 млрд. сўм (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 110,7 %), Андижон тумани 119,3 млрд. сўм (98,9 %), Шаҳрихон тумани 86,3 млрд. сўм (118,3 %), Марҳамат тумани 47,7 млрд. сўм (116,8 %) ҳамда Бўстон тумани 40,9 млрд. сўм (118,2 %) қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати

(2021 йилнинг январь-март ойларида)



Ҳудудлар бўйича энг кўп хизматлар ҳажми Андижон шаҳри - 1139,2 млрд. сўм (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 107,2 %), Шаҳрихон тумани 78,2 млрд. сўм (105,7 %), Андижон 76,9 млрд. сўм (105,2 %), Асака тумани 76,2 млрд. сўм (105,9 %) ва Олтинкўл 67,3 млрд. сўм (103,5 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2021 йилнинг **I** чорак якунларига кўра кичик корхона ва микрофирмалар томонидан тақдим этилган охирги йиллик ҳисоботда маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар) сотишдан соф тушуми мавжуд ҳамда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилди. Унда иқтисодий фаолият турлари бўйича **1351** та респондентлар иштирок этди. Шундан саноат корхоналари - 334 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонининг 24,7 фоизи), қурилиш – 126 та (9,3 фоизи), савдо – 487 та (36,1 фоизи), хизматлар – 324 та (24,0 фоизи) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 80 та (5,9 %) ни ташкил этди.

2021 йил I чорак бўйича танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, *% да*



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2021 йилнинг I чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра жорий даврда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши саноат соҳасида 44,3 % ни, савдо соҳасида 39,4 % ни, қурилишда 35,7 % ни ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 33,7 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши хизматлар соҳасида 62,7 % ни, қурилишда 55,6 % ни, савдо соҳасида 53,6 % ни ва саноатда 50,6 % ни ташкил этди.

Жорий даврда иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолаган корхоналарнинг энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 16,3 % ни, қурилишда 8,7 % ни ва хизматлар соҳасида 8,0 % ни ташкил этди.

2021 йилнинг I чорагида танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жорий даврда иқтисодий вазиятини баҳолаш, *% да*



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2021 йилнинг I чорагида ўтказилган кузатув натижаларига кўра жорий даврда яқин 3 ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятни яхшиланишига ишонган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши саноат соҳасида 67,4 % ни, савдо соҳасида 58,3 % ни, қурилишда 56,3 % ни ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 55,0 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга иқтисодий вазиятни ўзгаришсиз қолишига ишонган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп улуши хизматлар соҳасида 47,2 % ни, қурилишда 42,1 % ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 41,2 % ни ва савдо соҳасида 39,6 % ни ташкил этди.

Жорий даврда иқтисодий вазиятни ёмонлашишига ишонган корхоналарнинг энг кўп улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 3,8 % ни, хизматлар соҳасида 2,8 % ни ва савдо соҳасида 2,1 % ни ташкил этди.

2021 йилнинг I чорагида танланма кузатувда иштирок этган кичик корхона ва микрофирмаларнинг яқин 3 ойдаги ўзгаришлар истиқболи бўйича иқтисодий вазиятини баҳолаш, *% да*